

**“УЗУН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Сурхондарё вилояти,  
Узун тумани, Жомий кўчаси 22 уй**

**2018 йил 06 июль**

Умумий йигилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Жомий кўчаси 22 уй “Узун пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **15:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **15:50**

Акциядорлар умумий йигилиш бошланган вақт: **16:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 3 584 100.

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йигилиши (келгусида матн давомида - Йигилиш) жамият бош директорининг 2018 йил 15 июндаги 01-10/189-сонли таклифи инобатга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2018 йил 15 июнда қабул қилинган қарорга мувофиқ 2018 йил 26 июнда ўтказилиши белгиланган эди, лекин кворум бўлмаганлиги сабабли йигилиш 2018 йил 06 июлдан тақрорий ўтказилмоқда.

Йигилишда иштирок этиш хуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2018 йил 20 июнь.

Ш. Курбанов йигилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йигилиш раёсатига куйидагилар сайланди:

1. Курбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи - Йигилишда раислик қилувчи;

2. Гулямов Нигматулло Кадирович – “Сурхондарё минтакавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчи;

3. Шакулов Акрам Ортикович – жамият бош директори.

Йигилиш котиби этиб М.Тўраханов – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи сайланди.

Йигилишни, йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йигилиш қатнашчиларини қутлаб, йигилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси М. Тўрахановга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

Қимматли қағозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2018 йил 20 июнь ҳолатига шакллантирилган “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йигилишда овоз бериш учун 681 та акциядорга тегишли 3 584 100 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 957 000 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 18 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 82,50 % ни ташкил этади ва йигилиш ваколатли (кворумга эга) хисобланади.

Йигилишга таклиф этилганлар:

С. Болтаев – жамият тафтиш комиссияси раиси;

А. Гадоев – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

А. Турғунбоев - “XIMOYA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори.

Ш. Назаров - “PROGRESS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори ва жамият ижроия органи бўлим бошлиқлари.



Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботини эшлиши.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботини эшлиши.
5. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
6. Жамиятнинг 2017 йил якуnlари бўйича аудиторлик ташкилотининг холосасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2017 йиллик ҳисботини ва 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2017 йил якуnlари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якуnlарига кўра тафтиш комиссияси холосасини эшлиши.
9. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
13. 2018 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувани, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувани ўтказиши тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
14. Жамиятнинг эълон килинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.
15. Жамият Уставини янги таҳрирда тасдиқлаш.
16. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроя орган тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш.
17. Жамиятнинг афилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиш мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.
18. Жамиятда 2017 йил якуnlари бўйича утказилган корпоратив бошкарув тизимини мустакил баҳолаш натижаларини куриб чиқиши.
19. Жамиятни узок муддатли ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги ПҚ-3636 сонли “Сурхондарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” карори ижросини таъминлаш тўғрисида.
21. Жамият тамонидан “Узун туман агромониторинг маркази” МЧЖ га киритилган таъсис улушини тасдиқлаш.
22. Жамият тамонидан 2017 йил давомида амалга оширилган хомийлик ва бегараз ёрдамларни тасдиқлаш хамда жамият харажатига олиб бориши.

**23. Конунчиликда белгиланган даво муддати утган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларни хисобдан чикаришни кўриб чиқиши ҳамда бухгалтерия хужжатларида тегишли ёзувларни киритиш.**

Кун тартиби эълон қилингандан сўнг, мухокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиши, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2017 йил 15 июндаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига Омонов Улугбек Шукуруллаевич – Тайёрлов ва сотиши бўйича директор, Исломов Махманазар Курбонович – Хукуқшунос, Режа ва иктисад бўлими бошлиғи - Гадоев Абдулхофиз Жумакуловичлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2957000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:**

- 1) Омонов Улугбек Шукуруллаевич;
- 2) Исломов Махманазар Курбонович;
- 3) Гадоев Абдулхофиз Жумакулович.

**2. Саноқ комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта энг кам ойлик иш хақининг 5 баробари миқдорида рағбаатлантирилсин.**

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттириди. Мазқур йиғилиш кун тартибида 23 та масала кўрсатилганлигини ва хар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, мұхокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсаддага мувоғиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** жамият ижроия органи раҳбари-бош директор А. Шакулов сўзга чиқиб, 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот 1-илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор А. Шакуловга тегишли топшириклар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан бош директорнинг 2017 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2017 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботини ўқиб эшиттириди (ҳисобот 2-илова қилинади).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар, йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият кузатув кенгашининг 2017 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2017 йил 11-июлдаги қарори билан тайинланган ижроия органи раҳбари Шакулов Акрам Ортиқовични тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш таклифини йигилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

1. 2017 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларнинг йиллик умумий йигилишигача бир йил муддатга “Узун пахта тозалаш” АЖ ижроия органи раҳбари этиб Шакулов Акрам Ортиқович тайинлансин.

2. “Узун пахта тозалаш” кузатув кенгashi, жамият ижроия органи раҳбари Шакулов Акрам Ортиқович билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузилишини таъминласин.

3. Жамият ижроия органи раҳбари Шакулов Акрам Ортиқович ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк хужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган хукуқ ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш хукуки берилсин.

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича** “ХИМОЯ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори А. Турғунбоев сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2018 йил 21 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йигилиш иштирокчиларини таништириди.

Бундан сўнг “PROGRESS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Ш. Назаров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2018 йил 10- майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йигилиш иштирокчиларини таништириди.

“ХИМОЯ-AUDIT” МЧЖ ва “PROGRESS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида “Узун пахта тозалаш” АЖнинг 2017 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ.

Йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “ХИМОЯ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2018 йил 21-апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва “PROGRESS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2018 йил 10-майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий ийғилиши қарор қиласди:

**1. “ХИМОЯ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2018 йил 21 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва “PROGRESS AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2018 йил 10-майдаги Халқаро аудит стандартларига мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хulosалари тасдиқлансан.**

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича** жамият молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи в.в.б. А. Гадоевга сўз берилди ва у йигилини иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи ва 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йигилиш қатнашчиларини таништириди (йиллик ҳисботот ва бизнес-режа 3 ва 4-илова қилинади).

Йигилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамиятнинг 2017 йиллик ҳисботини ва 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий ийғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисботи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.**

**2. Жамиятнинг 2018 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан.**

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича** йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи в.в.б. А. Гадоевга сўз берди.

А. Гадоев жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хulosасини ўқиб эшиттириди (хулоса 5-илова қилинади).

Йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хulosасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий ийғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган Тафтиш комиссиясининг холосаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича** йигилишда раислик килувчи Ш. Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош хисобчи в.в.б. А. Гадоевга берди.

А. Гадоев йигилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништириди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тавдирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сонли қарорида пахта тозалаш корхоналари томонидан 2017-2018 йиллар якуни бўйича хисобланадиган дивидендларни капиталлаштириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига асосан жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали хисобидан қўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди қўпайтирилиши натижасида қўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини қўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 1 856 250,0 минг сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз- 278 437,5 минг сўм миқдорида тузилади ва 2018 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 56 989,4 минг сўм, яъни устав капиталнинг 3,07 фоизини ташкил этади.

Жамият Уставида захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар или соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўtkазилиши белгиланганини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарорини ва устав капиталида имтиёзли акция мавжудлигини инобатга олган ҳолда, жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича 229 608,0 минг сўм соф фойдасини қўйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йигилишига таклиф киритиш тавсия этилади:

- соф фойданинг 5 фоизи ёки 11 480,4 минг сўм жамиятнинг захира фондига йўналтирилсин;

- уставга кўра 2017 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорида (акциянинг номинал қиймати 500 сўм\*15 % = 75 сўмдан\*128 400 дона) жами 9 630,0 минг сўм ёки соф фойданинг 4,2 фоизини жамият томонидан чиқарилган 128 400 дона имтиёзли акциялардан дивиденд тўловига йўналтирилсин;

- соф фойданинг 90,8 фоизи ёки 208 497,6 минг сўм Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори талабларига асосан жамият устав фондини қўпайтиришга етарли бўлмаганлиги сабабли, тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 208 497,6 минг сўм маблағ жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

Мухокамадан сўнг йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 912 775 та овоз; “Қаршилар” - 1 044 725 та овоз;**  
**“Бетарафлар” - йўқ.** Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг 2017 йиллар якуни бўйича олинган – 229 608 000 сўм соф фойдаси қуидагича тақсимлансан:**

**9 630 000 сўм (1 дона имтиёзли акцияга 75 сўмдан) ёки соф фойданинг 4,2 фоизи жамиятнинг имтиёзли акциялари учун дивиденд тўловига йўналтирилсан;**

**- 11 480 400 сўм ёки соф фойданинг 5 фоизи жамиятнинг захира фондига йўналтирилсан;**

**- 208 497 600 сўм ёки соф фойданинг 90,8 фоизи Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Конунийнинг 18-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори талабларига асосан жамият устав фондини кўпайтиришга етарли бўлмаганлиги сабабли, тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсан ҳамда мазкур 208 497 600 сўм маблағ жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсан.**

**2. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар мазкур йигилиш қарори қабул килинган кундан эътиборан олтмиш кун ичida тўлансан.**

**Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 06 июль 2018 йил.**

**Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 05 сентябрь 2018 йил.**

**Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар белгиланган тартибда ва юкорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўtkазиш йўли орқали амалга оширилсан.**

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича** йигилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 893 375 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар ва жамият акциядори 68 250 дона акция эгаси Аннаев Ўктам Давлатович томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Исмаилов Рашид Эркинович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассиси, Салаев Элдор Буранович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассиси, Асатуллаев Акбар Лутфуллаевич - "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассис, Кучкаров Тохир Муминджанович "Ўзпахтасаноат" АЖ бўлим бошлиги, Курбанов Шамситулла Аллаевич - "Сурхондарё пахта минтакавий терминали" МЧЖ бош ҳисобчи, Қаюмов Махмуд Маннонович - "DAVIN BROK" МЧЖ директори, Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич - "Давр мезони" МЧЖ мухарири, акциядорлар номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига

сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Мухокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Сурхондарёпаҳтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

Исмаилов Рашид Эркиновичга:

“Ёқлаганлар” – 2 667 735 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Салаев Элдор Бурановичга:

“Ёқлаганлар” – 2 665 530 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Асатуллаев Акбар Лутфуллаевичга:

“Ёқлаганлар” – 2 665 530 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Кучкаров Тохир Муминджановичга:

“Ёқлаганлар” – 2 689 785 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Курбанов Шамситулла Аллаевичга:

“Ёқлаганлар” – 2 692 935 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

**Аннаев Ўқтам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан**

Қаюмов Махмуд Манноновичга

“Ёқлаганлар” – 3 658 742 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевичга

“Ёқлаганлар” – 3 658 743 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

**“Сурхондарёпаҳтасаноат” ХАБ АЖ ва акциядорлар томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

1. Исмаилов Рашид Эркинович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассиси;
2. Салаев Элдор Буранович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассиси;
3. Асатуллаев Акбар Лутфуллаевич - "Ўзпахтасаноат" АЖ бош мутахассис;
4. Кучкаров Тохир Муминджанович - "Ўзпахтасаноат" АЖ бўлим бошлиги;
5. Курбанов Шамситулла Аллаевич - "Сурхондарёпаҳтасаноат" ХАБ АЖ бошқарув раиси в.в.б.

**Аннаев Ўқтам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

6. Қаюмов Махмуд Маннонович- "DAVIN BROK" МЧЖ директори.
7. Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич- "Давр мезони" МЧЖ директори.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 893 375 дона акция эгаси “Сурхондарёпаҳтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар ва жамият акциядори 68 250 дона акция эгаси

Аннаев Ўкта́м Давлято́вич томонида́н кўрса́тилган номзод тўғри́сида маълу́мот берди.

Бабаку́лов А́кмал Абдуна́биевич - "Сурхонда́рё ми́нтақа́вий пахта терминали" МЧЖ Контрактация шартномалари бўйича иқтисодчи.

Газиев Эшмўмин Эргаше́вич - "Сурхонда́рё ми́нтақа́вий пахта терминали" МЧЖ, Пахта хом ашёсини тайёрлаш ва хисобини юритиши бўйича мутахассис.

Хидиров Умарали Абдуга́фарови́ч - "Сурхонда́рё ми́нтақа́вий пахта терминали" МЧЖ, Иш ҳақи ҳисоб китоби бўйича бухгалтер.

Чариев Комил Абдулла́евич - Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Сурхонда́рё вилоят ҳудудий бошқармаси Бош мутахассис

Бабаку́лов А́кмал Абдуна́биевичга:

"Ёқлаганлар" - 2 957 000 та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Газиев Эшмўмин Эргаше́вичга:

"Ёқлаганлар" - 2 957 000 та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Хидиров Умарали Абдуга́фарови́чга:

"Ёқлаганлар" - 0 та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Чариев Комил Абдулла́евичга

"Ёқлаганлар" - 2 957 000 та овоз; "Қаршилар" - йўқ; "Бетарафлар" - йўқ.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрса́тилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

"Сурхонда́рёпахтасаноат" ХАБ АЖ томонида́н кўрса́тилган номзодлардан:

1. Бабаку́лов А́кмал Абдуна́биевич - "Сурхонда́рё ми́нтақа́вий пахта терминали" МЧЖ,

2. Газиев Эшмўмин Эргаше́вич - "Сурхонда́рё ми́нтақа́вий пахта терминали" МЧЖ;

Аннаев Ўкта́м Давлято́вич томонида́н кўрса́тилган номзоддан:

3. Чариев Комил Абдулла́евич - Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Сурхонда́рё вилоят ҳудудий бошқармаси;

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича жамиятнинг бош директори А. Шаку́лов сўзга чиқиб, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш заруриятига кўра жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан йиғилиш қатнашчиларни таништириди.

Янги ташкилий тузилма хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига асосан ишлаб чиқилганлигини маълум килинди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича** жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш. Курбанов сўзга чиқиб, жамиятда 2017 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий хисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятта келиб тушган куйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништириди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)	Халқаро молиявий хисобот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)
1	“NEW GLOBAL PROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖШ	18.05.2018й. № 126	6 000 000	
2	“HOMBUR-AUDIT” МЧЖШ	17.05.2018й. № 296		7 000 000
3	“MAN GROUP AUDIT” МЧЖ	20.05.2018й. № 23		6 500 000
4	“HIMOYA AUDIT” МЧЖ	25.05.2018й. № 41/4	5 500 000	
5	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ	30.05.2018й. № 02/AЗ	8 000 000	10 000 000
6	“DIPLOMAT-AUDIT” МЧЖ	17.05.2018й. № 10/29		5 000 000

Муҳокама давомида А. Гадоев жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдириди..

Шундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларидан 2018 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани шу жумладан халқаро

стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш түғрисида, аудиторлик

ташкilotини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**  
**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинч масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. 2018 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:**

- Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ХИМОЯ AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкilotи танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 5 500,0 минг сўм белгилансин;

- Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “DIPLOMAT-AUDIT ” МЧЖ аудиторлик ташкilotи танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 5 000,0 минг сўм белгилансин.

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

- юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкilotлари билан белгилангандартибда шартномаларни тузсин;

- қонунчиликда белгилангандартибда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисббот ва хулосаларни киритсин.

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича** Кузатув кенгаши аъзоси М. Қаюмов сўзга чиқиб - жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чиқарилиши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори – номинал қиймати 500 сўм бўлган 385 200 дона эгаси ёзилган хужжатсиз имтиёзли ва 10 752 300 дона эгаси ёзилган хужжатсиз оддий акциялардан иборат;

- 37-моддаси “Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда кузатув кенгаши қарорига асосан жойлаштирилади”.

Муҳокамадан сўнг, акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1 912 775 та овоз; “Қаршилар” - 1 044 725 та овоз;**  
**“Бетарафлар” - йўқ.** Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг элон қилинган акцияларининг энг кўп миқдори 385 200 дона эгаси ёзилган хужжатсиз имтиёзли ва 10 752 300 дона эгаси ёзилган хужжатсиз оддий акция қилиб белгилансин.**

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича.** Йиғилишда раислик қилувчи III. Курбанов акциядорларни жамият Уставига киритилаётган ўзгартиш ва

қўшимчаларни ҳисобга олган холда тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставининг лойихаси билан таништириди.

Жумладан жамият уставининг 30-бандида кўрсатиб ўтилган жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлади. Бунда жамиятнинг жойлаштирилган акцияларга (эълон қилинган акциялар) қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган акцияларнинг сони, номинал қиймати ва типлари қўйидагича белгиланиши лозим:

- Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда чикарилиши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг микдори – номинал қиймати 500 сўм бўлган 385 200 дона эгаси ёзилган хужжатсиз имтиёзли ва 10 752 300 дона эгаси ёзилган хужжатсиз оддий акциялардан иборат;

Бундан ташқари амалдаги жамият уставининг 32, 33, 37-моддаларига қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлади:

- 32-моддаси “Кўшимча чикарилаётган акциялар очик ёки ёпик обуна усувлари билан жойлаштирилади”;

- 33-моддаси “Жамиятнинг Уставига жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги тегишли ўзгартишилар киритиш тўғрисидаги қарорлар кузатув кенгаши томонидан қабул қилиниши мумкин”;

- 37-моддаси “Кўшимча чикарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда кузатув кенгаши қарорига асосан жойлаштирилади”.

Мухокамадан сўнг, акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёклаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Каршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласи:

**1. Жамият Уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олган холда жамият Устави янги таҳрирда 7-иловага мувофиқ тасдиқласин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

- қонунчиликда белгиланган муддатда ва тартибда жамиятнинг Уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олган холда жамиятнинг Уставини янги таҳрирда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни Кузатув кенгаши аъзоси М. Каюмовга берди. М. Каюмов Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларни тақдим этиб уни тасдиқлашни сўради.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.



### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар”-йүк; “Бетарафлар”- йүк.**  
Нотүгри тұлдирилган бюллетенлар йүк.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий иғилиши қарор қиласди:

**Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий иғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Ижроия органи тўғрисида”ги ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомлари 8, 9, 10 ва 11-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.**

**Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича иғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни Кузатув кенгаши аъзоси М. Каюомовга берди.**

М. Каюомов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий иғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий иғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилигини айтди ва акциядорлар эътиборига жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий иғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини ҳавола этди. Иғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 1912775 та овоз; “Қаршилар”-1 044 725 та овоз; “Бетарафлар”- йүк.**  
Нотүгри тұлдирилган бюллетенлар йүк.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий иғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий иғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 12-иловага мувофиқ тасдиқлансан.**

**Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича иғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамият кузатув кенгаши аъзоси М Каюомовга берди.**

М. Каюомов жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш - Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2018 йил 12 июндаги хulosани акциядорларга ўқиб эшилтириди. Хulosaga асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида бир қанча камчиликлар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси –119 баллга баҳоланган, яъни коникарли деб эътироф этилган.

Бундан сўнг Ш. Курбанов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга жамиятда 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хulosани маълумот бўйича қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятда 2016 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ нинг хulosаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

- 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсинг ва икки хафта муддат ичидаги жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чоратадбирларни киритсинг;

**Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори в.в.б. А. Гадоевга сўз берди.

А. Гадоев Жамиятни узок муддатли ривожлантириш стратегиясини лойихасини тақдим этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга Жамиятни узок муддатли ривожлантириш стратегиясини лойихасини бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятни узок муддатли ривожлантириш стратегиясини лойихаси 13-иловага мувофиқ тасдиқдансин.**

**Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамият бош директори А. Шакуловга берди.

А. Шакулов акциядорларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги ПК-3636 сонли “Сурхондарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карори ижросини таъминлаш тўғрисида ахборот берди.

“Узун пахта тозалаш” АЖ ушбу карор ижросини таъминлаш максадида жамиятга карашли 5,1 га ер майдони ва 16 232 268 сўмлик бино ва иншоатлар Узун туман хокимлиги захира фондига ўтказиб берилди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги ПК-3636 сонли “Сурхондарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари

тўғрисида” карори ижросини таъминлаш тўғрисида масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29-мартдаги ПҚ-3636 сонли “Сурхондарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси тасдиклансан.

**Кун тартибидаги йигирма биринчи масала** бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамият бош директори А. Шакуловга берди.

А. Шакулов акциядорларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 08 февралдаги 03-12-7-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирувчилар билан таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни ягона ахборот базасини шакллантириш ҳамда ҳисоб-китоб Мониторинг марказлари фаолиятини такомиллаштириш қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида, жамият кузатув кенгашининг тегишли қарорлари асосида жамият томонидан 2017 йил 17 февралда “Узун туман агромониторинг маркази” МЧЖ устав фондига (71,4 %) 20 626 500 сўм таъсис улуш киритилганлиги тўғрисида ахборот берди.

Ушбу масалада қўшимча сўзга чиққан бош ҳисобчи А. Гадоев “Узун туман агромониторинг маркази” МЧЖга жамият томонидан киристилган улуш миқдори жорий йилда 43 076,5 минг сўмга камайганлигини, яъни бугунги кунда “Узун туман агромониторинг маркази” МЧЖга киристилган улуш миқдори 20 626,5 минг сўм эканлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга жамият томонидан юкорида қайд этилган сармояларни маъқуллашни ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 427 690 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Жамият томонидан 2017 йил 17 февралда “Узун туман агромониторинг маркази” МЧЖга киристилган – 63 703 000 сўмлик улуши 20 626 500 сўмга камайганлиги эътироф этилсан.

**Кун тартибидаги йигирма иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи А. Гадоевга берди.

А. Гадоев акциядорларга жамият томонидан 2017 йил давомида амалга оширилган хомийликлар тўғрисида акциядорларга ахборот берди (маълумот 14-илова қилинади).

Мухокамада жамият бош директор А. Шакулов иштирок этиб, ҳар бир хомийлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида амалга оширилганлигини

таъкидлаб, 2017 йилда 39 000 000 сўмлик ҳомийликларни рўйхатга асосан тасдиқланишини ҳамда жамият харажатига олиб боришга розилик берилишини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги йигирма иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият томонидан 2017 йил давомида амалга оширилган ҳомийликлар рўйхати 14-иловага мувофиқ тасдиқлансан ва жамият харажатига олиб борилсин.**

**Кун тартибидаги йигирма учинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директорибош ҳисобчи в.в.б. А. Гадоевга берди.

А. Гадоев сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари бўйича қарздорлик таҳлилини ўтказувчи ишчи-гурухи томонидан тасдиқланган хулосасига асосан қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик мавжуд эмаслиги таъкидланди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 957 000 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари мавжуд эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.**

Йиғилишда раислик қилувчи:



Ш. Курбанов

Йиғилиш котиби:

М. Тўраханов

Йиғилиш баённомаси 2018 йил 16 июл куни икки нусхада тузилди.